XALQ DEPUTATLARI KONIMEX TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 31 - dekabr VI-54-190-5-70-K/22 Konimex tuman hokimligi

Конимех туманининг 2023 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Навоий вилояти Молия бош бошқармасининг 2022 йил 30 декабрдаги 01-12/20-01-38/4076-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Конимех тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Конимех тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 38726,0 млн. сўм, харажатлари 91155,2 млн. сўмга тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3.2023 йил учун Конимех туманини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2023 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4.Қуйидагилар:

2023 йил учун туманнинг туман маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ; 2023 йил учун умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин

5. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва ҳаражатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2023 йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун туманнинг туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 843,1 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун туман бюджетининг захира жамғармаси миқдорига аниқлаштириш киритилмайди.

2023 йил учун туманнинг туман маҳаллий бюджети шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори **7-иловага** мувофиқ белгилансин.

8. Туман бўйича 2023 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар **8-иловага**, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2023 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-409-сон қарорига асосан 2023 молия йилидан бошлаб:

а) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилиши;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шаклланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман(шаҳар)лар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 млрд. сўм маблағ режалаштириш белгиланганлиги;

г) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (У.Саитов), Молия бўлими (Б.Заркунов), Давлат солиқ инспекцияси (Р.Турсунов) ва масъул муассаса ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетининг прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

маҳаллий бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

12. Туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Турсунов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

Кадастр агентлиги туман филиали (А.Қурбонов) билан биргаликда туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

13. Туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Турсунов), Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси Навоий минтақавий инспекцияси билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

14. Мажбурий ижро бюроси Конимех туман бўлими (Т.Сирожов), туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Турсунов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

15. Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб қуватлаш бўлими (С.Рисбеков), жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

16. Туман ҳокимининг ўринбосари (М.Мавлонов) Бўш турган объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра туманда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва

видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auction» майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

17. Туман ҳокимининг ўринбосари (М.Мавлонов), туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Турсунов), туман молия бўлими (Б.Заркунов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

18. Туман ҳокимининг ўринбосари (М.Мавлонов) ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

19. Туман ирригация бўлими (Д.Ярашев) ва туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Турсунов) билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

20. Туман молия бўлими (Б.Заркунов):

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишлари кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар чорак якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи хар чоракда эшитиб борилсин.

21. Халқ депутатлари туман Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий

ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга, натижалари бўйича тавсиялар беришга, мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

22. Туман ҳокимлиги:

Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

23. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (У,Саитов), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари

бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

24. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

25. Мазкур қарор “Кенимех таны” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

26. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

27. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Конимех туман ҳокими **Р.Рўзиев**

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
1-ilova

Туманнинг 2023 йилги туманнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	X
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	X
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	X
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	102,3
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	104,5
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	108,5

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
2-ilova

Туман маҳаллий бюджети даромадларининг
2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

Т/Р	Даромад турлари	Миқдори (минг сўм)
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	9 274 900,0
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	0,0
5	Қўшилган қиймат солиғи	
6	Акциз солиғи, жами	0,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	0,0
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0,0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	972 000,0
9	Юридик шахслар ер солиғи	0,0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 313 000,0
11	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	9 662 000,0
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	10 485 000,0
13	Давлат божи	
14	Жарималар	0,0
15	Ижара тўлови	0,0
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	0,0
17	Йиғимлар	0,0
18	**Тақсимланувчи даромадлар**	**6 019 054**
	шу жумладан:	
1	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	2 435 016
2	Тамаки махсулотларига акциз солиғи	2 539 558
3	Мобил алоқага акциз солиғи	1 044 480
ЖАМИ Даромад		**38 725 954,0**

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
3-ilova

2023 йил учун туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларининг умумий чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	Миқдори (минг сўмда)
Ҳаражатлар миқдори, Жами		**91 155 207,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**91 155 207,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**0,0**
1	**Туман Мактабгача таълим бўлими**	**5 672 240,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 672 240,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Туман Халқ таълими бўлими**	**8 094 605,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 094 605,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Туман Тиббиёт бирлашмаси**	**30 142 470,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	30 142 470,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Туман Маданият бўлими**	**1 502 266,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 502 266,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**2 095 812,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 095 812,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Туман Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**900 353,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	900 353,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**1 767 191,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 767 191,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Туман Ирригация бўлими**	**1 141 087,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 141 087,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**385 347,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	385 347,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	**211 567,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	211 567,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Конимех туман Ободонлаштириш бошқармаси**	**13 157 124,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	13 157 124,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Туман Молия бўлими**	**1 360 804,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 360 804,0
	шу жумладан: сақлаш харажатларига	1 360 804,0
	Фуқароларга етказилган зарарни қоплаш	
	Вилоятдан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган трансфертлар	
	Индексация маблағлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими**	**1 697 194,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	535 667,0
	Қишлоқ ва махалла фуқаролар йиғинининг сақлаш харажатлари	1 161 527,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими**	**1 865 741,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 865 741,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Туман ҳокимлиги**	**21 161 406,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 161 406,0
	Шу жумладан: сақлаш харажатлари	3 832 878,0
	Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"	18 400,0
	Ҳокимликларнинг заҳира жамғармалари	843 121,0
	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	285 813,0
	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	8 721 633,0
	Туман оила ва хотин қизлар бўлими	1 199 813,0
	Туман Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	212 051,0
	Туман ижтимоий мослашиш маркази	47 697,0
	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	6 000 000,0

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
4-ilova

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
1	Конимех тумани	100	100	10	100	100

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
5-ilova

2023 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Ҳудуд номи	**Даромад**	**Харажат**
ЖАМИ	**38 725 954,0**	**91 155 207,0**
Конимех тумани	38 725 954,0	91 155 207,0

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
6-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори (минг сўмда)**
ЖАМИ	**52 429 253,0**
шундан	
Конимех тумани	52 429 253,0

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
7-ilova

Туман маҳаллий бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

Т/р Ҳудуд номи	**Миқдор (минг сўмда)**
ЖАМИ	**311 686,0**
шундан	
1 Конимех тумани	**311 686,0**

Xalq deputatlari Konimex tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son qaroriga
8-ilova

2023 йилда жисмоний шахсларга ҳисобланиши кутилаётган ер солиғи ставкаси
ҲИСОБ-КИТОБИ

сўмда

Т/Р	Туман ва шахар номи	Амалдаги солиқ кўрсаткичлар						Ўзгариши		Солик ставкаси ўзгариши			Ўзгариши	
		2021 йил			2022 йил					2023 йил				
		Базовий ставка	тасдиқ-ланган коэф	Белгиланган солиқ ставкаси	Базовий ставка	тасдиқ-ланган коэф	Белгиланган солиқ ставкаси	Фарқи	Фоизда	Базовий ставка	тасдиқ-ланган коэф	Белгилан-ган солиқ ставкаси	Фарқи	Фоизда
1	Конимех туман	245,0	0,60	147,0	260,0	1,00	260,0	113,0	177%	286,0	1,25	357,5	97,5	138%
x	**Жами:**	**x**	**x**	**147,0**	**x**	**x**	**260,0**	**x**	**x**	**x**	**x**	**357,5**	**x**	**x**

2021 йилда вилоят бўйича 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси 297,6 сўм этиб белгиланган.

2022 йилда 1 кв.м. учун базавий солиқ ставкаси 320 сўм этиб белгиланиши таклиф этилган.

Xalq deputatlari Konimex
tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son
qaroriga
9-ilova

2023 йилда жисмоний шахсларга ҳисобланиши кутилаётган ер солиғи ставкаси ҲИСОБ-КИТОБИ

Т/Р	Туман ва шахар номи	Солик ставкаси ўзгариши		
		2023 йил		
		Базавий ставка	Таклиф этладиган коэффициент	Таклиф этладиган ставкаси
1	Конимех туман	286,0	1,25	357,5
х	**Жами:**	**х**	**х**	**357,5**

2021 йилда вилоят бўйича 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси 297,6 сўм этиб белгиланган.

2022 йилда 1 кв.м. учун базавий солиқ ставкаси 320 сўм этиб белгиланиши таклиф этилган.

Xalq deputatlari Konimex tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son qaroriga
10-ilova

2023 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларга ҳисобланиши кутилаётган ер солиғи ставкаси
ҲИСОБ-КИТОБИ

сўмда

Т/Р	Туман ва шахар номи	Амалдаги солиқ кўрсаткичлар						Ўзгариши		Таклиф солиқ ставкаси			Ўзгариши	
		2021 йил			2022 йил					2023 йил				
		Базовий ставка	тасдиқ-ланган коэф.	Белгиланган солиқ ставкаси	Базовий ставка	тасдиқ-ланган коэф.	Белгиланган солиқ ставкаси	Фарқи	Фоизда	Базовий ставка	тасдиқ-ланган коэф.	Белгиланган солиқ ставкаси	Фарқи	Фоизда
1	Конимех туман	26 730 746	0,80	21 380 000	29 000 000	1,00	29 000 000	7 620 000	136%	32 000 000	1,20	38 400 000	9 400 000	132%
	Жами:	**x**	**x**	21 380 000	**x**	**x**	29 000 000	**x**	**x**	**x**	**x**	**38 400 000**	**x**	**x**

2021 йилда вилоят бўйича 1 га учун базавий солиқ ставкаси 33,0 млн.сўм этиб белгиланган.

2022 йилда 1 га учун базавий солиқ ставкаси 35,0 млн.сўм этиб белгиланиши таклиф этилган.

Xalq deputatlari Konimex tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-54-190-5-70-K/22-son qaroriga
11-ilova

Конимех тумани бўйича 2023 йил учун тасдиқланиши лозим бўлган Ер солиғи ставкалари тўғрисида маълумот

1 кв.метр *сўмда*

Т/р	*Ўзини-ўзи бошқариш органи номи*	*2022 йил учун тасдиқланган ер солиғи ставкалари*		*2023 йил кодексга киритилиш кутилаётган ернинг базавий ставкаси*		*вилоят миқиёсида*				*туман миқиёсида*			
						Халқ депутатлари томонидан белгиланган коэффициентлар (0.5 да 2.0 гача)		*Солиқ ставкаси*		*Халқ депутатлари томонидан, вилоят учун белгиланган ставкага нисбатан белгиланган коэффициентлар (0.7 да 3.0 гача)*		*Солиқ ставкаси*	
		турар	*нотурар*	*турар (1 кв.м)*	*нотурар (1 кв.м)*	*турар*	*нотурар*	*турар*	*нотурар*	*турар*	*нотурар*	*турар*	*нотурар*
1	Баймурат ОФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688
2	Бирлик МФЙ	260	2 900	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	1,0	1,0	357,5	3 840
3	Гулистон МФЙ	234	2 610	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,9	0,9	321,8	3 456
4	Дўстлик МФЙ	260	2 900	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	1,0	1,0	357,5	3 840
5	Зафаробод МФЙ	260	2 900	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	1,0	1,1	357,5	4 224
6	Қарақата МФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688
7	Кўкча МФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688
8	Наврўз МФЙ	208	2 320	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,8	0,8	286,0	3 072
9	Саржал ОФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688
10	Тўққизтепа МФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688
11	Учтепа ОФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688
12	Шўркўл МФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688

13	Шўртепа МФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688
14	Юксалши МФЙ	234	2 610	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,9	0,9	321,8	3 456
15	Янгиказган ҚФЙ	182	2 030	286	3 200	1,3	1,2	357,5	3 840	0,7	0,7	250,3	2 688